

ИҚТИСОДЧИ МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Искандаров.Б.А (Сам ДУ магистри)

Мақолада таълим методларининг дарс самарадорлигини оширишдаги аҳамияти, қўллаш усуллари, иқтисодчи мутахассис кадрларни тайёрлашда маъруза ва семинар дарсларини интерфаол методларни қўллаб ўтиш ҳақида мулоҳаза юритилган.

Бугунги кунда инсонни жамиятда кенг фаолиятга тайёрлайдиган иқтисодий фани олдида таълимнинг энг илғор йўналишларидан муҳими саналмиш таълим тизимида интерфаол усуллардан фойдаланиш ва ривожлантириш каби долзарб муаммоларни ҳал этиш вазифаси қўйилган. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Бизга маълумки, маъруза олий таълим тизимида укув – тарбиявий жараёнларнинг етакчи шакли ҳисобланади. У фанларнинг туб моҳияти ва мақсадини очиб беришда, талабаларнинг мутахассис сифатида ҳамда маънавий ва маърифий жихатдан камол топишида, дунёкарашнинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Маъруза уқитиш жараёнинг етакчи шаклини ташкил этар экан, талаба бу ҳолда биринчи мартда утаётган фанларининг методологияси ва унинг назарий асоси билан танишади. Шу билан биргаликда маъруза орқали талабада илмий дунёкараш шаклланади. Бир суз билан айтганда булажак мутахассиснинг амалий куникмалари ривожланади. Шу билан биргаликда, маъруза уқитиш жараёнинг бошқа шакллари: семинар, амалий машгулот, мустиқил иш, ишлаб чиқариш амалиёти ва бошқаларнинг тавсифи ва моҳиятини белгилаб беради, уларни ташкил этишнинг бош омили ҳисобланади.

Айниқса, ҳозирги даврда, яъни бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда, булажак мутахассисдан иқтисодий саводхонлик талаб қилинаётган бир вақтда Иқтисодий назария фанидан маъруза уқиш услубиятини шакллантириш ката аҳамиятга эга. Чунки, Иқтисодий назария фанидан маъруза уқиш услубиятини такомиллаштириш булажак мутахассислар булаётган иқтисодий узгаришларни тугри англаб олишлари, уларда иқтисодий тафаккур, иқтисодий онгни шаклланиши учун шароит яратилади. Аммо, Иқтисодий назарияни уқитиш жараёнида фан буйича укув дастурида келтирилган маърузаларни (ёки назарий ёндошувларни) механик тарзда талабаларга етказиб бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. Фиқримизча, бу жараёнда биринчи навбатда талабаларда жамиятда булаётган иқтисодий жараёнларнинг чуқур иқтисодий назарий асосини тушинтириш ва шу асосда уларда мустиқил илмий фикрларни шакллантиришга эътиборни қаратиш лозим. Шу ҳолдагина талабаларда иқтисодий ҳолат (муҳит)ни реал таҳлил қилиш куникмалари шаклланади. Қўп ҳолларда талабалардан алоҳида иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш учун қийинчиликлар пайдо бўлади, чунки у ёки бу иқтисодий ҳолатлар буйича дарсликларда, укув қўлланмаларда аниқ жавоб берилмайди. Дарсликлар қанчалик такомиллашмасин, унда ижтимоий ҳаётнинг барча аниқ иқтисодий ҳолатларни изоҳлайдиган жавоблар мавжуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам Иқтисодий назариядан маъруза уқишни ташкил этишда нафақат фан буйича билим бериш, балки талабаларни иқтисодий воқелик, иқтисодий жараёни мустиқил таҳлил этиш ва умумлаштириш куникмаларини шакллантиришга эътиборни қаратмоқ зарур.

Ҳозирги вақтда Иқтисодий назариядан маърузаларни уқишни ташкил этиш буйича бой тажрибалар тупланган ҳамда уни такомиллаштириш учун олий таълим тизими “Иқтисодий назария” кафедраларида бир қатор услубий ишлар амалга оширилган ва улар уқитиш жараёнида қўлланилмоқда. Аммо уни уқитиш жараёнида ҳали ҳам бир қатор муаммолар, етишмовчиликлар ҳамда резервлар мавжуд. Булар бизнинг фикримизча, қуйдаги ҳолатларда намаён бўлади:

- Ҳамма вақт ҳам маърузалар укув жараёнининг етакчи шакли бўлмасдан, қўпроқ деклоратив, шаблон характериға эға бўлганида;

- Хозирги давр иктисодий муносабатлар тизимининг реал ҳолатини тулик ифодалай олмаслигида;
- Маърузаларнинг мантикий кетма-кетлигига куп ҳолларда эътибор берилмаслигида;
- Маъруза матнларини мутахассислик укув режасига мослиги бузилганда;
- Маъруза ва уқитишнинг бошқа шакиллари уртасидаги узаро боғлиқлик таъминланса;

Педагогик нуқтаи-назаридан маъруза уқитишни ташкил этишга эътибор берилганда ва бошқа ҳолатларда. Бу ҳолатлар маърузанинг сифати ва самарадорлигига салбий таъсир килиб, унинг бош мақсадидан четқа чиқишига олиб келади. Иктисодий назария (бошқа ижтимоий фанлардан ҳам) фанидан маъруза дарсини утиш самарадорлигини ошириш ҳамда талабаларнинг фанга ижодий ёндошувини кучайтириш учун фан уқитувчиси маъруза уқишда декоративлик элементларидан холи бўлмоғи лозим. Биринчи навбатда, маърузада иктисодий ҳодиса ва жараёнлар асосланган ва исботланган ҳолда талабаларга етказилиши лозим. Бунга эришиш бизнинг фикримизча, куп ҳолларда уқитувчининг тажрибаси, педагогик маҳорати ва унинг фан дастуридаги маъзуларга чуқур илмий – услубий жихатдан тайёргарлик куриши асосида амалга ошади. Шу билан биргаликда уқитувчи дарс жараёнида талабаларни урганаётган масалаларга кизиқишини кучайтириш усулларига эътибор беришлари мақсадга мувофиқ. Куп ҳолларда фан мавзуларини ёритиш учун ажиратилган вақт(маъруза учун ажиратилган соат) етмайди. Бундай ҳолатлардан чиқиш учун уқитувчи қуйилган масалаларни киска, тезис тарзида изоҳлашга ҳаракат килади. Бундай ҳолатда уқитувчи дарс давомида мазкур масалаларни мустиқил тарзда урганиш учун услубий тавсиялар бериб кетса мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол талабаларни фан бийича мустиқил ишлашини кучайтиришга сабаб бўладики, оқибатда фанни узлаштириш бир мунча кучаяди. Иктисодий назария фанидан маъруза дарсининг сифати ва самарадорлигини ошириш учун уқитувчининг мавзуларга илмий-ижодий ёндошув ҳам ката аҳамият касб этади. Бу ҳолда уқитувчи нафақат илмий жихатдан асосланган иктисодий фикрлар, гоёлар, таълимотларни талабаларга етказида, балки уларни урганилаётган масалаларга мустиқил илмий ёндошув ҳиссиётини шакиллантиради.

Иктисодий назария фанидан маъруза дарсининг самарадорлигини оширишнинг яна бир йули дарс жараёнига техник воситаларидан фойдаланишни кучайтиришдир. Техник укув воситаларидан фойдаланишда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олиш мувофиқ. Иктисодий назария фанидан бази мавзуларни яхлит изоҳлаш орқали тушутириб бўлмайди уларни кенгрок таърифлаш лозим. Яъни иктисодий билимлар яъни илмий фикрлар, илмий билимларни таккослаш орқали талабаларга етказиш мақсадга мувофиқ. Фанни уқитиш жараёнида техник воситаларидан фойдаланиш муаммони идрок этиш жараёнини кучайтиради. Хусусан, у талабаларга вазифалар қуйиш илмий-ижодий мунозаралар утказиш қуйилган муаммоларни ечишда талабаларга ёрдам беради ва вазифаларни кучайтиради.

Иктисодий назария фанидан маърузалар самарадорлигини ошириш куп жихатдан муаммоли маърузаларни уқитишни ташкил этишга боғлиқ. Бу ҳол талабаларга билим беришни такомиллаштиришга, уларга фан ва мавзулар бўйича қушимча илмий ва амалий ахборотларни беришга имкон беради.

Анъанавий маърузадан фарқли, муаммоли маърузада уқитишнинг уч вазифасидан ташқари, яъни уқитиш, тарбиявийлик ва идрок этиш вазифаларидан ташқари бошқарувчилик ва методик вазифалар ҳам бажарилади. Охириги икки вазифа талабаларда мавзуга кизиқишни кучайтиради. Бундай муърузага тайёргарлик куришда уқитувчи мустиқил ишлаш учун таклифларни ҳам тайёрлаб бериши лозим.

Муаммоли маъруза куп омилли мақсадга эга бўлиб, ургатиш, тарбиявий, идрок этиш, бошқарув ва методик вазифаларни бажаради.

Ургатиш вазифаси орқали талаба мутахассислиги бўйича илмий дунёқараш шакилланади, унинг ижодий фикрлаш қобилияти кучаяди, мутахассислик қуниқмаларини тушиниб етади.

Тарбиявийлик вазифаси талабада танлаган мутахассислигига, булажак меҳнат фаолиятига муносабатини тарбиялайди. Иктисодий фикрларнинг шакилланишига, меҳнат жамоасига муносабатининг шакилланишига олиб келади.

Идрок этиш вазифасида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: талаба маълум ҳажимдаги маълумотларни қабул килади, янги маълумотларни излайди, қабул қилинган маълумотларни синтез қилишга ҳаракат килади, ижтимоий-иктисодий воқеликни баҳолайди.

Бошқарувчилик вазифаси талабанинг маърузани ташкил қилиши ва бошқариш қуниқмаларини шакилланиши билан боғлиқ.

Методик вазифаси талабада фан буйича укув материалларини узлаштириш билан боглик. Бу вазифа оркали талабалар иктисодий муаммоларни мустакил узлаштириш вазифаси оркали амалга оширади.

Хулоса килиб айтганда, фан уқитувчиси маъруза ўқиш жараёнида юқорида таъкидланган вазифаларни бажаришга эътиборни қаратиши лозим. Уларнинг бирлиги талабаларни ўқитиш, таълим-тарбия ишларини юқори даражада олиб боришга, маъруза дарсини сифат ва самарадорлигини оширишга имкон яратади

Иктисодий назария фанидан маърузаларни муаммоли тарзда ташкил этиш бир қатор устунликларга эга: бу ҳолда талабалар мустакил билим олишга ҳаракатлари кучаяди, уларнинг ижодий имкониятлари ривожланишига сабаб бўлади, муаммоларни илмий – назарий жиҳатдан таҳлил қилишга, хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Шу билан биргаликда талабаларни мустакил иктисодий фикрлаш қобилиятини тарбиялайди.

Анъанавий, тасвирий – тушунтириш услуби, маъруза ўқишда ўқитувчи талабаларга тайёр ҳолдаги билимларни ифодалаб тушунтириш утади, яъни дарслик, укув қўлланма, маъруза матни ва ҳоказолардан фойдаланади. Бу ҳолда талаба факат берилган маълумотларни эшитади, эслаб қолади ва синов вақтида ушлар асосида жавоб беради. Ушбу услубда талабанинг фикрлаш ва эслаб қолиш қобилиятини тарбияланади. Бундай маъруза ўқиш жараёнида ўқитувчининг асосий вазифаси талабаларга билимлар мазмуни бериш ҳисобланади.

Муаммоли тарзда маъруза ўқишни ташкил этишда ўқитувчи талабаларга билимни нафакат тайёр ҳолда беради, балки уларнинг олдида у ёки бу иктисодий муаммоларни мустакил ҳолда ечиш вазифасини қўяди. Талаба эса маълумотлар мажмуини эслаб қолмасдан унинг ечим йўллари кидиради. Демак, муаммоли маърузани ўқишни ташкил этишдан мақсад талабаларнинг эслаб қолиш қобилиятларини тарбиялаш эмас, балки қўйилган муаммоларни ечиш учун уларда фаол фикрлаш қобилиятини тарбиялашдир.

Муаммоли тарзда маъруза ўқишни ташкил этишни тадбиқ этиш, анъанавий маъруза ўқишни инкор этмайди, балки у билан узаро боглиқликда бўлади. Бу боглиқлик талабаларнинг билим савияси, укув материалларининг мазмуни, вақт ва ҳоказолар билан боглик.

Муаммоли маъруза укув режаси асосида олиб борилиши ва унга мос қилини лозим. Шу билан биргаликда мавзуларнинг яхлитлиги, мантикий ва мақсадли қетма-қетликда тузилиши лозим. Ушбу ҳолда маърузачи ва тингловчи уртасида узаро боглиқликни қўчайтирадики, бу ўқитишни ташкил этишнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Шу билан биргаликда маърузаларни методик жиҳатдан юқори даражада бўлишига мавзуларни назарий жиҳатдан юқори асослаш ва исботлаш муҳимдир.

Юқорида таъкидланган фикрларга асосланиб, Иктисодий назария фани ўқитувчилари олдидаги муҳим вазифаларни қелтиришимиз мумкин. Буларга қуйидагиларни қиритамиз:

- Талабалар олдида фаннинг назарий асосларини методологиясини исботлаш;
- Фаннинг яхлит билимлар тизими эканлигини ифодалаш;
- Иктисодий назария фанинг муҳим муаммоларини ечишда уни урганиш услубларининг барчасини қўллаш;
- Иктисодий категориялар, қонулар ҳаракатини ва уларни узаро бир-бирига боглиқлигини очиқ бериш;
- Ҳозирги даврнинг илмий концепцияларини, қўя ва таълимотларини ҳамда фаннинг ривожланиш истикболларини ёритиш;
- Талабаларнинг иктисодий тарбиясини қўжайтириш;

Талабаларда меҳнат интизомини, меҳнат қўникмаларини, ҳўжалиқ қўритиш, иш билармонлик, тадбирқўрлик қўникмаларини шакиллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, Иктисодий назария фанидан маъруза ўқишда ўқитувчи ва талабанинг ўзига ҳос вазифа ва мақсадлари шакилланмоғи лозим.

Ўқитувчининг вазифаси- тайёр илмий инфармацияларни талабаларга етқазиб беришгина эмас, балки у ёки бу иктисодий муаммолар илмий изланишларининг методологик асосларини ифодалаш, муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан боглиқлигини исботлашдир. Шу билан биргаликда маърузачи дарс давомида ва дарсдан ташқари талабани муаммолар буйича идрок этиш, мустакил илмий ишлаш, уни режалаштириш ва бошқариб бориш лозим.

Талабанинг вазифаси эса – факат тайёр илмий хулосаларни қабул қилиш ва эслаб қолиш эмас, балки информацияларни мустиқил ҳолда идрок этиш.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунини жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимидаги ўз мавқеини мустиқкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бирок, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон ҳўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади.

Айни вақтда Республикамиз ижтимоий ҳаётида шиддатли тарзда ахборотлар оқими кенг кўламини қамраб олмоқда. Ушбу ахборотларни тезкор суръатларда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулоса чиқариш ва ўқувчиларга етказиб беришнинг аниқ бир тизимини йўлга қўйиш таълим тизимини олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим тизимида янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш юқоридаги муаммоларни ижобий ҳал этишда ҳизмат қилади.

Бугунги кунда инсонни жамиятда кенг фаолиятга тайёрлайдиган педагогика фани олдида таълимнинг энг илғор йўналишларидан муҳими саналмиш таълим тизимида интерактив усуллардан фойдаланиш ва ривожлантириш каби долзарб муаммоларни ҳал этиш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини янги типдаги таълим муассаси сифатидаги ривож, педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.¹ Бу масалаларни ҳал этишда бир қатор олий ўқув юртларда касбий таълим йўналишлари ташкил этилиб, таълим методларини танлаш ва янгиларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берувчи ўқув муассасаси бўлиб, у ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни беради.